



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VAZIRLIGI**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ва
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИ
ўртасида
кадрларни тайёрлаш соҳасида
ҳамкорлик тўғрисидаги
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

2022 йил, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (бундан кейин – “вазирлик”) ва **Тошкент шаҳридаги Аджу университети** (бундан кейин – “Университет”), биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар,

архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш;

қурилиш соҳасида, жумладан чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш;

олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлиги ҳамда узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантириш;

халқаро таълим стандартлари асосида тайёрланган, юксак касбий билим ва маҳоратни эгаллаган, ижодкор, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга, стратегик фикрловчи ва салоҳиятли кадрларнинг янги авлодини шакллантириш;

шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия самарадор ва энергия тежайдиган инновацион лойиҳа ва қарорларни қурилиш фаолиятига жорий этиш;

таълим дастурларини ишлаб чиқариш талабларига мослаштириш, бўлажак кадрларга бўлган касбий ва малакавий талаблар ҳамда эҳтиёж ҳажмини лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари таклифлари ва тажрибалари асосида шакллантириш мақсадида **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1. ҲАМКОРЛИК МАҚСАДИ

Томонлар ушбу Англашув Меморандуми ўзаро ҳамкорликнинг умумий тамойилларини ўз ичига олганлигини чуқур англаган ҳолда, унинг қоидалари ҳамда амалдаги қонунчилик, соҳага оид давлат дастурлари ва ўз уставларига амал қилиб, ўзларининг ваколатлари доирасида ўзаро ҳурмат асосида кадрларни тайёрлаш соҳасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни қўллаб қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

2. ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ

Томонлар, кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва илгари сурадилар:

➤ умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш;

➤ архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида кадрларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда ўқув режалари, фан дастурлари, ўқув адабиётлари, шу жумладан ўқув-методик комплексларини “Вазирлик” билан келишилган ҳолда халқаро стандартлар асосида, замонавий, мутлақо янги талаблар асосида ишлаб чиқиш;

➤ “Университет”нинг тегишли таълим йўналишлари бўйича талабаларни

“Вазирлик”нинг ҳамда лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётларини тизимли равишда ўтказилишида кўмаклашиш;

➤ таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва уларни нашр қилиш, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;

➤ профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот салоҳияти ва фаолиятидан “Вазирлик” томонидан унумли фойдаланган ҳолда уларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

➤ ишдан ажралган, шу жумладан масофавий ўқитиш усуллари кўллаган ҳолда соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, масофадан ўқитиш усуллари асосида лойиҳалаш ва қурилиш соҳаси мутахассислари учун ташкил этиладиган малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш;

➤ курсларни муваффақиятли тамомлаган мутахассисларнинг илғор тажрибасини, янги билимлари ва кўникмаларини оммалаштириш;

➤ амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида “Университет” таълим жараёнига “Вазирлик”нинг ва лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг малакали мутахассисларини жалб қилиш;

➤ “Вазирлик” ходимларини соҳадаги энг сўнги назарий билим ва ўзгаришлар билан ўртоқлашиш мақсадида “Университет” профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш;

➤ ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида, шунингдек илмий-тадқиқот лойиҳаларида биргаликда иштирок этиш, ўқув-методик, ишлаб чиқариш ишларида ўзаро илмий-амалий тажриба алмашиш, тегишли йўналишлар бўйича масофавий ўқитишни ташкил этиш;

➤ Томонлар ўзаро келишган ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

3. ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Томонлар мазкур Меморандумнинг 2-қисмида назарда тутилган ҳамкорликларни амалга оширишда ҳар бир ҳамкорлик предмети тафсилотларини алоҳида ахдлашувлар орқали амалга оширадilar.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин.

4. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси амалдаги қонунчилик ҳамда Томонлар иштирокчиси ҳисобланган халқаро битимларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Томонлардан бирининг товар номи, фирма белгиси ва/ёки расмий эмблемасидан иккинчи Томон тарафидан нашр, ҳужжат ва/ёки бошқа усулларда фойдаланиш, биринчи Томоннинг ёзма рухсатисиз таъқиқланади.

Маҳсулот, кашфиёт/ихтиро Томонларнинг биргаликдаги фаолияти ёки Томонларнинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида яратилган бўлса, ўзаро келишувга мувофиқ ҳар иккала Томонга тегишли ҳисобланади.

Томонлардан бирининг якка фаолияти ёхуд амалга оширган тадқиқотлари натижасида яратилган маҳсулот, кашфиёт/ихтиро фақат ўша Томонга тегишли ҳисобланади.

5. МАСЛАҲАТЛАШУВ

Томонлар ушбу Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар мазкур Меморандум мақсади ва унда белгиланган вазифаларни ўз томонларидан амалга оширилишига бевосита масъул жавобгар бўлган шахс/шахсларни белгилайдилар.

6. ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

7. ЖАВОБГАРЛИК

Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Ҳеч бир Томон ушбу Меморандум асосида ёки унга боғлиқ равишда бошқа Томон олдида олинмаган фойда, йўқотилган обрў, шартномани бекор қилиш, ишбилармонлик имкониятини йўқотиш ёки тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш/тугатиш, бошқа Томонга билвосита келиб чиқадиган махсус ёки ғайри оддий йўқотишлар ёхуд зарар, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган бошқа салбий ҳолатлар учун жавобгар бўлмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар учинчи томонга ёхуд судларга мурожаат этмасдан, Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва/ёки ёзма шаклидаги музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

9. ҲАМКОРЛИКНИНГ КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШИ ВА ЎЗ КУЧНИН ИЙҚОТИШИ

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Меморандум томонларнинг ёзма келишувига мувофиқ тугатилади.


Ушбу Меморандумнинг тугатилиши, унинг амал қилиши ўз ниҳоясига етиши санасидан аввалроқ келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

Мазкур Меморандум 2 (икки) асл нусхада, ҳар иккиси ҳам ўзбек тилида тузилди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ


Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирининг
биринчи ўринбосари




Адилов Давронжон Кабилджанович

Тошкент шаҳри
Аджу Университети ректори




Муратов Гайрат Азатович

2022 йил “ ” январь